

## Идентификация жараёни - шахс ижтимоийлашуви муаммосининг психологияда ўрганилиши

Мадамин Юсуфжонович Ропиев  
Бухоро психология ва хорижий тиллар институти  
Зиёдулло Сатторович Элов  
Осиё халқаро университети

**Аннотация:** Мақолада шахс ижтимоийлашуви жараёнларининг психологик муаммолари ва уларнинг ижтимоий психологияда тадқиқ этиш йўналишларига тўхталиб ўтилган. Шунингдек, ижтимоий установканинг объектга ва конкрет вазиятдаги ақс эттиши, мулоқот жараёнидаги ўрни кенг ёритиб берилган. Ижтимоий психологияда ижтимоийлашув жараёнида шахс, социализация, этник стереотиплар тушунчаларига муносабатлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** аттитюд, шахс, ижтимоийлашув, стереотип, психологик муаммо, установка, объект, вазият, мулоқот, гуруҳ, муносабат, дифференциал, ҳуқуқий психология, онтогенез, социализация, шахс фазилатлари

## The process of identification is the study of the problem of socialization of the individual in psychology

Madamin Yusufjonovich Ropiyev  
Bukhara Institute of Psychology and Foreign Languages  
Zyodullo Sattorovich Elov  
Asian International University

**Abstract:** The article focuses on the psychological problems of the processes of socialization of a person and their directions of research in social psychology. Also, the reflection of the social institution on the object and concrete situation, its place in the process of communication is widely explained. In social psychology, relationships to the concepts of personality, socialization, and ethnic stereotypes are expressed in the process of socialization.

**Keywords:** attitude, personality, socialization, stereotype, psychological problem, institution, object, situation, communication, group, attitude, differential, legal psychology, ontogenesis, socialization, personality qualities

Мулоқот жараёнининг ҳам, гуруҳий жараёнларининг ҳам эгаси-субъекти ҳамда объекти аслида алоҳида шахс, конкрет оламдир. Шунинг учун ҳам

ижтимоий психология алоҳида шахс муаммосини ҳам ўрганадики, уни ўша турли ижтимоий жараёнларнинг иштирокчиси ва фаол амалга оширувчиси деган нуқтаи назардан текширади. Маълумки, шахс муаммоси умумий психологияда ҳам ёш психологияси ва педагогик психологияда ҳам, дифференциал, ҳуқуқий психология ва психологиянинг қатор махсус бўлимларидан ҳам ўрганилади.

Шахс - бу ижтимоий муносабатларга кирувчи онгли фаол, юритувчи, фаол фаолият билан шуғулланувчи бетакрор одам. Шахслараро муносабатларда мулоқот жараёнини эгаси ҳам, объекти ҳам субъекти конкрет одам ҳисобланади.

Ижтимоий психология шахснинг хулқ-атворини қандай қонуниятларига бўйсунганини, мулоқот системасида олган таъмирини унинг олдида қандай акс топишини ўрганади. Ижтимоий установка объектга ва конкрет вазиятга боғлиқ.

Этник стереотиплар - айна вазиятларда шаклланган образлар узоқ муддатли хотирада сақланиб у ёки бу вазиятларда оқтуаллашади, жонланади.

Социализация - бу индивиднинг ижтимоий муҳитга қўшилиши, ижтимоий таъсирларни ўзига сингдириш ва актив равишда мулоқот системасига кириб бориши жараёнидир.

I-босқич: Бола туғилгандан меҳнат фаолиятини бошлагунча бўлган даврни ўз ичига олади.

II-босқич: Меҳнат фаолияти даври (инсоннинг етуқлик даври).

III-босқич: Меҳнат фаолиятидан кейинги, қариллик даври.

Ижтимоий психология шахс хулқ атворининг мативлари сифатида ижтимоий установкаларини ўрганади. Ижтимоий установка шахс хулқ-атворининг ички англанилмаган ёки қисман англанилган мотивларга киради. Шаклланган ижтимоий установканинг ҳаёт мобайнида ўзгариши мумкинлиги муҳим ижтимоий психологик аҳамиятга эгадир. Америкалик олим Холланд фикрича, ижтимоий установка ўрганиш, йўли билан узгариши мумкин. Яъни ўқувчилардаги турли равишда ўз установкаларини ўзгартириши шартдир. Акс ҳолда номутаносиблик принципига кўра шахслараро низо ёки келишмовчилик пайдо бўлиши муқаррардир.

Ижтимоий психология аввало бирор гуруҳнинг аъзоси ҳисобланган шахс хулқ-атвори қандай қонуниятларга бўйсунганини, шахснинг мулоқотлар системасидан олган таъсирларини талкин қилиб беради ва унинг онгида қандай акс этишини ўрганиб, бу каби муаммоларни ечишда ёрдам беради.

Мулоқот жараёнининг ҳам, гуруҳий жараёнларнинг ҳам эгаси-субъекти ҳамда аслида алоҳида шахс, конкрет одамдир. Шунинг учун ҳам ижтимоий психология алоҳида шахс муоммасини ҳам ўрганади ва уни уша турли

ижтимоий жараёнларнинг иштирокчиси ва фаол амалга оширувчиси деган нуқтаи назардан текширади.

Шахс муоммасыга ижтимоий-психологик ёндашишнинг ўзига хослиги шундаки, у турли гуруҳлар билан бўладиган турли шаклдаги ўзаро муносабатларнинг оқибати сифатида каралади. Ижтимоий психология аввало бирор гуруҳнинг аъзоси ҳисобланган шахс хулқ-атвори қандай қонуниятларга бўйсинишини, унинг мулоқотга таъсири онгида қандай акс топишини урганади. Шахс хулқ-атворини бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш ижтимоий психологиянинг асосий вазифасидан биридир.

Шахсга ижтимоий-психологик ёндашиш, уни маълум гуруҳларнинг аъзоси, конкрет шароитда ўзига ухшаш шахслар билан мулоқотга киришувчи конкрет одам деб тушунишдир.

Шахс социализацияси - «шахс тараққиёти» ёки тарбияси тушунчалари билан синоним.

Социализация - бу индивиднинг ижтимоий муҳитга қўшилиши, ижтимоий таъсирларни ўзига сингдиришни ва актив равишда мулоқот системасига кириб бориш жараёнидир. Бу жараён икки томонлама бўлиб: бир томондан шахс актив равишда қабул қилади, иккинчи томондан эса, уларни ҳаётда ўз хулқ-атворлари, муносабатларида намоён этади. Бу жараён нормал индивидда таббii тарзда рўй беради, чунки индивид шахс бўлишга эҳтиёж ҳамда шахс бўлишида имконият ва зарурият бордир. Шунинг учун ҳам бола туғилиб, ижтимоий муҳитга қўшилган ондан бошлаб, ундаги шахс бўлишга интилишни, ундаги шаклланиш жараёнини кузатиш мумкин. Шахснинг шаклланиши асосан уч соҳада амалга оширилади.

Фаолият соҳаси, яъни умри мобайнида шахс турли фаолиятларга бевосита ёки билвосита жалб этилган бўлиб, бу жараёнда фаолият кенгайиб, бойиб бораверади.

1. Мулоқот соҳаси, айниқса мактабгача ёш давридаги ва усмирлик даврларидаги мулоқот системалари болада бир қанча ижтимоий психологик ҳислатларни пайдо қиладики, бунинг натижасида у фаол ҳаётii мавқега эга бўлади, жамиятда ўз ўрнини тасаввур қилишга эришади.

2. Ўз-ўзини англаш соҳаси, яъни «мен»лигини бошқалардан ажрата олиш, ўзига мустақил ҳаракат қилиш. Мустақил фикр юрита олиш қобилиятини англаш, сунгра эса, ўз-ўзини баҳолаш, англаш, назорат қилиш хусусиятлари ривожланадики, улар ҳам фаол шахс психологиясининг таркибий қисми ҳисобланади.

Умумий психологияда ва психологиянинг бошқа тармоқларида утказилган илмii изланишлар натижасида асосан қандай шахсни «ижобii» деб аташ мумкин деган саволга қисман жавоб топилган. Масалан А.В.Петровский ана

шундай сифатларнинг бир ярим мингга яқинини аниқлаган, лекин, ўша сифатларнинг шаклланишига замин бўладиган гуруҳлар ҳақида шу пайтгача фанда аниқ маълумотлар йук.

Ижтимоий психологияда ана шу масала кичик гуруҳлар доирасида қисман ҳал қилинган ҳолос. А.В.Петровский шахснинг гуруҳга кириб кетиш омилини урганган. Я.Л.Коломинский эса ҳар бир гуруҳнинг «ўз қиёфаси» бўлиб, у шахс тараккиётига таъсир кўрсатади деган ғояни илгари сўради. В.С.Мерлин ҳам ҳар бир жамоадаги шахслараро муносабатлар шу гуруҳ аъзоларида айрим, шу гуруҳгагина хос бўлган фазилатларни тарбиялайди деб ёзган эди. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда шахсни тушуниш учун унинг реал гуруҳларини урганиш, у ердаги устун мулоқот типларини аниқлаш ва анализ қилиш, гуруҳ аъзолари учун қимлар ҳақиқий обрўга эга эканлигини билиш муҳимдир, деган нуқтаи-назар асосида қатор тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Шахсни баҳолашнинг асосий мезонларидан бири унинг жамоа ишига қушилган улушидир, лекин бу улушни унинг ўз меҳнат жамоасидаги урни, амали ёки умуман қилган ишлари билан баҳолаб бўлмайди. Чунки унинг ҳақиқий улуши қандайлигини ўша жамоадаги ишининг самарадорлигига қўшган ҳиссасидангина келтириб чиқариш лозим. Шу нарса диққатга сазоворки гуруҳ аъзолари ҳар бир шахсни ўша улушига қараб баҳолайдилар ва унга маълум муносабатда бўладилар. Ана ўша баҳолаш меъёри ҳар бир жамоада ўзгача бўлиб ўша гуруҳда шаклланган нормалар тизимини ҳосил қилади. Жамоа ёки гуруҳ томонидан берилган баҳолар шахс учун аҳамиятли бўлиб, у «мен» образи орқали ўзида керакли фазилатларни ривожлантиришдан манфатдордир.

Демак, шахснинг ўзи ҳақидаги баҳоси гуруҳнинг у ҳақидаги ва бошқа шахслар ҳақидаги баҳоларга бевосита боғлиқ бўлиб, у гуруҳ билан жанжаллашиб қолмаслик, зиддиятли вазиятларга тушиб қолмаслик учун жамоатчилик баҳосини кадрлайди. Гуруҳ фикрини кадрлаш турли типли гуруҳларда турлича бўлади. Масалан, эндигина шаклланган гуруҳ ёки жамоага аъзо бўлиб келган одам учун унинг баҳоси унчалик аҳамиятли эмас, лекин бу гуруҳ жамоа даражасигача юкланган шахслараро муносабатларнинг маълум тузими шаклланган гуруҳ уюшқоқ бўлса, бундай гуруҳнинг баҳоси билан ҳар бир шахс ҳисоблашади ва уни кадрлайди. Ҳар бир гуруҳда аъзоларни бирлаштириб турган умумий фаолият мақсадларини ҳар бир шахс онгига тўғри етказиш ва ўзаро муносабатлар тизимини яхшилаб, ҳар бир шахснинг бир-бирларини яхши билишлари ва бир-бирларини тугри баҳолашларига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Бу нарса шахсда шаклланажак ижобий сифатларнинг асосидир. Шахс социализацияси бола тугилганидан бошланса, 1-босқич: меҳнат фаолиятигача бўлган босқич бўлиб, унга боланинг мактабгача ёш даври ва ўқиш йиллари қиради. Бу даврдаги социализациянинг аҳамияти ва

ўзига хослиги шундаки бу даврда асосан ташки ижтимоий мухит ижтимоий таъсирлар фаол равишда онга сингдирилади, мустикал ҳаётга тайёргарлик борасида муҳим босқич ўтилади. 2-босқич: меҳнат фаолияти даври бу давр одамнинг етуклик йиллари билан боглик бўлиб аввалги даврларда сингдирилган ижтимоий таъсирларни бевосита фаол фаолиятда шахслараро муносабатлар системасида намоён этади. Касбга эга бўлиб аниқ ҳаёт йўлини танлаган, турмуш куриб келгуси авлодни тарбиялаётган шахсда намоён буладиган барча ижтимоий фазилатлар шу даврнинг махсулидир. 3-босқич: меҳнат фаолиятидан кейинги давр бўлиб бунга асосан фаол меҳнат фаолиятидан, сўнг қариллик гаштини сураётганлар киради. Ортирилган тажриба бошқаларга узатилади. Шахс тузилишида ҳам хусусий ўзгаришлар юз беради. Социализация жараёни рўй берадиган шароити муассасалар - оила болалар муассасалари, мактаб, ўқув даргоҳлари, меҳнат жамоалари. Ижтимоий мухитнинг таъсири хулқ атворда бевосита намоён бўлади. У ёки бу хулқ атворнинг сабаби унинг мотивидир.

Ижтимоий установка шахс хулқ атворининг ички анланмаган ёки қисман анланган мотивларга киради. Масалан, бир кишига бадиий адабиётдан айнан бир гуруҳ асарлар ёкади. Ижтимоий установка шахсдаги анланмаган муносабатларга ухшайди. Ижтимоий установка тушунчасида муносабатлар ҳам шахсий маъно, баҳолар системаси ҳам, билимлар ҳам ўз ифодасини топади.

Ижтимоий установка объектга ҳамда конкрет вазиятга боғлиқдир. Этник стереотиплар-айни вазиятларда шаклланган образлари узоқ муддатли хотирада сакланиб у ёки бу вазиятларда актуаллашади, жонланади. Ижтимоий установка муаммоси ғарбда айникса АҚШда хар тарафлама чуқур ўрганилган муаммолардан ҳисобланади. Америкалик олимлар унинг шахснинг аввалги ҳаётий тажрибасига ундаги ижтимоий таъсавурларга боглиқлигини урганиб шахс хулқ атворини турли шароитларда бошқарувчи механизм эканлигини исбот килдилар (У.Томмас, Ф.Знанетский, Г.Олпарт, Лаппер ва бошқалар) ижтимоий установкани бир сўз билан-«аттитюд» сўзи билан ифодаляйдилар. 1942 йилда М.Смит томонидан аттитюднинг 3 компонентлик структураси ишлаб чиқилган.

Ижтимоий установкакаларга хос бўлган умумий қонуниятлардан яна бири узоқ муддатли хотира билан боғлиқлигидир. Айна вазиятларда шаклланган образлар узоқ муддатли хотирада сакланиб у ёки бу вазиятда актуаллашади. Шаклланган ижтимоий установканинг ҳаёт мобайнида ўзгариш мумкинлиги муҳим ижтимоий психологик аҳамиятга эгадир. Америкалик олим Ховланд фикрича, ижтимоий установка ўргатиш йўли билан ўзгариш мумкин яъни ўқувчилардаги турли установкакаларни ўзгартириш учун рағбатлантириш лозим. Икки шахс ёки шахс билан гуруҳнинг установкакалари мос келмай қолган

шароитда эса томонлардан бири онгли равишда ўз установкаларини ўзгартириши шартдир. Акс холда номутаносиблик принципига кўра шахслараро низо ёки келишмовчилик пайдо бўлиши муқарардир. Шахс социализация жараёнида турли установкаларини рўёбга чиқариш шароитида фаоллик кўрсатади. Хар бир шахсда ўзига хос тарзда дунёни, одамларни идрок килиш ва тушуниш қобилияти борки, улар мулоқот жараёнида камрок хатоларга йўл қўйишини таъминлайди. Масалан, босиклик. Мулохазалилик ўзгаларнинг ички дунёсини гаплари, хатти-харакатларига караб билиш қобилияти ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу фазилатларни канчалик намён эта олишга караб шахс типлари фаркланади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Гозман Л.Я. «Психология эмоциональных отношений». - М.: 1987 г.-17 б стр.
2. Андреева «Социология психология».
3. Бугеева Л.Т. «Социология среда и сознание я-и» М. 67-46-55 стр.
4. Каримова В. «Ижтимоий психология асослари». Т-1994 й. «Ўқитувчи».
5. Каримова В. «Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт».
6. U.P.Lafasov, A.Q.Ismoilov, A.P.Madvaliev, O'zbek tili, Darslik, Toshkent, 2008
7. К.Ф.Абдуллаев, Унсурул маолий Кайковуснинг «Қобуснома» асари ва унинг тарбиявий аҳамияти, <https://multiurok.ru/files/unsurul-maolii-kaikovusning-k-obusnoma-asari-va-un.html>